

# Янги йил кутлови



## Мустақил Ўзбекистоннинг ҳур фуқаролари!

## Азиз партиядошлар!

Учинчи минг йиллик, XXI аср ва унинг дебочаси —
2001 йил барчангиз учун кутлуғ бўлсин!
Янги йилда озод Ватанимиз — жонажон Ўзбекистоннинг
равнақ топиши, халқимиз фаровонлигининг ошиши,
жамиятимизда демократиялашув жараёнларининг
жадаллашиши, ижтимоий адолат тамойилларининг
кенг илдиз отиши, маънавий ҳаётнинг юксалиши янада
юқори погонага кўтарилишига биз қатъий ишонамиз.
Зеро, ниятларимиз пок, танлаган йўлимиз тўғри,
интилишларимиз улуғвор мақсадларга эришишга қаратилгандир.
Қадрли юртдошлар ва сафдошлар!
Янги йил суюкли мамлакатимиздаги барқарор тинчликни
асрасин, азиз диёримизга ободлик, кўп миллатли заҳматкаш
халқимиз дастурхонига тўкин-сочинлик, оилаларимизга
хайру барака, ҳар биримизга омад ва саодат келтирсин!
Эзгу мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда
Яратганнинг ўзи барчамизга мададкор бўлсин!

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**





# «Irgidromash»

## заводи меҳнат жамоаси





**Ўзбекистон халқини,
мамлакатимизнинг барча қишлоқ хўжалиги ходимларини
Ер курраси — Она заминимиз тарихида улуғвор воқеа —
Янги XXI аср ва 2001 йил билан чин қалбдан қутлайди!
Машинасозлик корхонаси ишчилари мустақил жонажон
Ўзбекистонимиз иқтисодий тараққиёти йўлида фидокорлик
кўрсатаверади. Ишончимиз комилки, XXI аср бутун жаҳон халқлари
ўртасида дўстлик, тинчлик ва ҳамкорлик асри бўлиб қолади.
Яратганнинг ўзи бизга мададкор бўлсин!**



**BURSEL**
GROUP
**ЖАМОАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ЯНГИ — 2001 ЙИЛ ҲАМДА ИЙД РАМАЗОН ҲАЙИТИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!**

**Янги йил Сизга бахт ва саодат улашсин. Айни Рамазон байрами кунларида янги йилга пешвоз чиқиш ҳам қалбимизни ёруғлик нури билан лиммо-лим этади.**

***Келажаги буюк Ўзбекистондаги тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга жаҳон қизиқиш билан қарамоқда. 2001 йил — XXI асрда ҳар бир хонадонда, шаҳар, қишлоқда тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлсин! Дастурхонингиздан тўкин-сочинлик аримасин! Доимо омад ёр бўлсин!***



**Ўзбекистон ва Туркия қардош халқлари ўртасидаги дўстлик алоқлар оша мустаҳкамланиб бораверсин!**

**BURSEL**
GROUP
**ЖАМОАСИ**

САНЪАТ

# ЧИРОҚЧИНИНГ ЁНИҚ ЧИРОҒИ

«Чироқчи чироқлари» фольклор-этнографик гуруҳи ўзбек миллий санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган дасталардан биридир. Бу даста 1978 йили ташкил топган бўлиб, дастлаб «Ифори» номи билан юритилган. 1994 йили республика фольклор-этнографик ансамблларининг «Чашма — 94» кўрик-танловида ўзининг «Чироқчи чироқлари» деб номланган дастури билан қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритди ва ушбу ном билан атала бошлади.

Бугунги кунда дастада ўн ёшдан етмиш ёшгача бўлган йигирмадан ортиқ санъат ихлосмандлари фаолият кўрсатмоқдалар. Турли ёшдаги санъат фидойиларини бирлаштирган жамоа ижодкорлари «Қоқиндиқман», «Алла», «Омон-омон» каби ўнлаб қўшиқлари орқали мухлислар эътиборига тушган. Йигирма дақиқалик турли мавзуларда айтилган қўшиқлари республика радиосининг олтин фондидан жой олган.

— Жамоамизни бирлаштириб турган бирдан-бир нарса бу фидойилик, — дейди даста аъзолари фахр билан. — Мақсадимиз ягона — халқимиз миллий санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшиш ва миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни моҳирона саҳнага олиб чиқиш билан халқ ичига кириб бориш. Шу боис дастамиз иштирокчиларининг ҳаракатларидан тортиб кийинишию ижро этаётган қўшиқларигача миллий қадриятларимиз акс этиб туради.

Бугунги кунда даста ижодкорлари туманда, вилоятда, қолаверса, республикамизда ўтказилаётган байрамларда, турли тадбирларда ўзининг муносиб чиқишлари билан қатнашиб келмоқда.

■ **Абдурасул ПАРДА**

***



Суратда:
«Чироқчи чироқлари» дастаси аъзолари.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси Қорақалпоғистон республика партия кенгаши биринчи котиби А. Х. Асановга опаси
**Улмекен ХУДАЙБЕРГЕНОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*(Газетанинг навбатдаги сони 2001 йил 1 январь куни чиқади)*


**БОШ МУҲАРРИР**
**Азим СУЮН**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

*Абдулла ОРИПОВ*
*Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ*
*Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ*
*Ислом ШОҒУЛОМОВ*
*Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*
*Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)*
*Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)*
*Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)*
*Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)*

**МУАССИС:**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**БЎЛИМЛАР:**

*Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-12-56*
*Котибият — 133-21-43*
*Реклама ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80*
*Факс — 133-73-43, 133-06-83*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-03-80;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 136-53-16;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**

**700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

Навбатчи
*Ҳайдар НОСИРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
*Икромжон ИСМОИЛОВ*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
*Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
*Ҳажми 2 босма табоқ.*


«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.


Г — 702

*Топшириш вақти -- 21.00.*
*Топширилди --*
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА